



ОДАМЛАР ҚАЛБИДАН АНИҚ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ЖОЙ ОЛИШ КЕРАК

Парламент ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишига бир йил бўлди. Шу вақт ичида нималар ўзгарди? Қатъият ва ташаббускорлик ўсдими? Олдинда яна қандай вазифалар турибди!..

Хабарингиз бор, 2017 йил 12 июль кунин Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Ўша учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев маърузасида сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракцияларида ташаббус етишмаётгани, жойлардаги партия ташкилотлари фаолияти талаб даражасида эмаслиги, партиялар ва депутатлар сайловчилар ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилмаётгани, қонун ижодкорлигини такомиллаштириш ҳамда парламент таъсирчанлигини ошириш жараёнларида сусткашликларга йўл қўйилаётгани танқидий таҳлил этилганди.

▶ Давоми 2-бетда.

ДЕПУТАТГА БЕПИСАНДЛИК — ХАЛҚҚА БЕПИСАНДЛИК



ДЕПУТАТГА ЮЗАКИ ЖАВОБ ХАТИ КЕРАК ЭМАС!

Қонунда депутат учун ҳамма эшиклар очиқ. Бироқ, улар ортида миннатли ва ёвқараш мезбонлар борлигини эсласанг, ташаббусларинг бирма-бир сўндириб борилса, депутатлик сўровларига олдиндан тайёрлаб қўйилган бир хил мазмундаги жавоблар келаверса, сайловчилар олдида ҳам ҳурматинг қолмайди. Одамларнинг «депутатлар сайлов ўтгунча фидойи бўлади», деган сўзлари эса қалбни эзаверади...

2



(ЎЗА) Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат.

АНДИЖОНДА 59 КИШИГА ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

Андижонда Президентимиз фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 59 нафар юрtdошимизга фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Андижон вилоят ҳокими Ш.Абдурахмонов мамлакатимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, аммо ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра,

фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган инсонларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

— Бугун мендан бахтиёрроқ инсон йўқ, — дейди Қирғизистон Республикасида туғилган, ҳозирда Андижон туманида яшовчи фуқаро Мухойма Жўрахонова. — Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиндим. Кўнглимдаги келтирилган тўлиқ. Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдорман.

СОҒАЙҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРАЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

НОМИГА ИШЛАЁТГАН ШИФОХОНА КИМГА ВА НИМАГА КЕРАК?..

— Шифохонамизда шароитимиз йўқ, деб беморларнинг ҳаётини хавф остига қўя олмаймиз, — дейди **жонлантириш бўлими мудири Руфат Насимов**. — Қўлдан келганча, бор имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилияпмиз. Тўғри, ҳозир бўлими шифокорлари кислород тармоғини ташқаридан шланг орқали киргизиш, буйруқ билан ўчириб, ёқишди. Бу аҳвол хавф-

сизликка жавоб бермаса-да, шундай ишлашга мажбурмиз. Аслида, қонун-қоидага мувофиқ, бўлимидаги ҳар бир хонасида кислород тармоғи бўлиши лозим. Тан олиш керак, операция вақтида ишлатиладиган тиббиёт анжомлари ҳам етишмайди (бор-йўғи иккита жамланма). Уни ҳам шифокорларнинг ўзлари уёқ-буёқдан суриштириб топишган.

3

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

БАРҚАРОР ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ


Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, яқинда мазкур ҳудудда қурилиш корхоналарига арматура маҳсулотлари етказиб берувчи «Behin foorm metal» маъсулияти чекланган жамияти ўз ишини бошлади. Лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ бўлиб, ушбу маблағ ҳисобига Эрондан замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди. Мазкур корхонада кунига 6-8 тонна арматура маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кор-

хонада 35 киши ишли бўлди. Уларнинг 28 нафарини ёш йигит-қиз ташкил этади. Ҳудудда кварц хомашёсининг конлари мавжудлигидан фойдаланиб, шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш режалаштирилган. Хусусан, «Зарафшон ойна» маъсулияти чекланган жамияти айти шу лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Ҳозирда ушбу корхонага шаҳардаги

саноат ҳудудидан ер майдони ажратилган ва бинони тиклаш ишлари олиб борилаётган. Германия, Австрия, Италия, Белгия ва Франция каби мамлакатлардан технологик ускуналар келтириш чоралари кўриляпти. Мазкур объект йил охирида ишга туширилиши режалаштирилган. Корхона ўз фаолиятини бошлаши билан 400 киши иш билан таъминланади.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талаб 69 миллиард киловатт-соатни ташкил этади. Бу қувватнинг қарийб 85 фоизи газ ва кўмир ёқиш орқали, қолган 15 фоизи гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Бунинг учун йилига 16,5 миллиард куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут ва 2,3 миллион тонна кўмир сарфланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодиёт ўсиши, аҳоли сони ва турмуш даражаси ошиши эвазига 2030 йилда электр энергиясига бўлган талаб 117 миллиард киловатт-соатга етади. Бунинг учун янги қувватлар ташкил этиш керак бўлади.

Шу боис мамлакатимизда тинч мақсадларда фойдаланиш учун экологик тоза ва узоқ муддат тугамайдиган етом энергетикасини барпо этишга киришилди. Россиянинг «Росатом» давлат корпорацияси билан ҳамкорликда атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришилди. Мазкур комплекс 2 энергоблокдан иборат, ҳар бирининг қуввати 1 минг 200 мегаватт бўлади. Уни 2028 йилгача тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.



 info@uzbekistonovozi.uz

ИННОВАЦИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ИХТИРОЧИ АЁЛЛАРИ

халқаро кўргазмада юқори ўринларга муносиб кўрилди

Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси, Корея интеллектуал мулк офиси ва Халқаро Интеллектуал Мулк ташкилоти томонидан жорий йилнинг 28 июнь — 3 июль кунлари Жанубий Кореяда Халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси — KIWIE 2018 ўтказилди.



Унда 30 дан зиёд давлатдан 518 нафар ихтирочи хотин-қиз техника, технология, медицина, озиқ-овқат, енгил санаят, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан илк мартаба мамлакатимизнинг олимпиадалари ушбу халқаро кўргазмада иштирок этиш учун юборилди. Уч нафар олимпиада аёлларимизнинг ихтиролари халқаро экспертлар томонидан ўрганилиб, юқори баҳоланди.

Жумладан, профессор Карима Норукулованинг «Болғачали тегирмон» номи фойдали модели озиқ-овқат саноати йўналиши бўйича «Grand Prize», «Қуритиш қурилмаси» ихтироси олтин, «Тугунақларни қуритиш усули» ихтироси эса кумуш медали билан тақдирланди.

Шунингдек, доктор (PhD) Малоҳат Илхомованинг «Болалар пайабзали учун профилактик ич патак» номи фойдали модели, «Электр ўтказувчан пайабзал» ихтиросига кумуш ҳамда «Қиз болалар учун туфли» саноат намунаси учун бронза медали тақдим этилди. Профессор Парахат Матякубова эса «Социлвчан моддаларнинг иссиқлик-нам ўлчачиги» ихтироси учун кумуш медалини қўлга киритди.

Кўргазма доирасида Халқаро форум, Интеллектуал мулк соҳасидаги лидер аёлларнинг Академиясида ўқув курслар ҳам ташкил қилинди. Делегациямиз аъзолари уларда иштирок этиб, ихтироларни амалиётга жорий қилиш ва тижоратини йўлга қўйиш бўйича ўз малакаларини ошириб, сертификатлар олишди.

Шухрат ИСЛОМОВ

МАРД ЁҒЛОН

ИНТИЛИШ КЕРАК, ҲАРАКАТ КЕРАК



Камолжон АЛИКОВ,
Самарқанд шаҳридаги
«Registon KAMOLJON»
хусусий корхонаси раҳбари,
«Мард ёғлон» давлат
мукофоти соҳиби:

— Хурсандчилигимни сўз билан ифодалай олмайман. «Мард ёғлон» сўзининг тағида қанча маъно бор, қанча мазмун бор. Жуда олий баҳо бу, кишига юксак масъулият юклайди бу мукофот. Мен ҳам энди ана шу эътирофга лойиқ бўлиш учун имкониятим даражасида меҳнат қилишга ҳаракат қиламан. «Мард ёғлон» давлат мукофотига лойиқ кўрилганимни эшитиб, қувондим албатта. Кейин бошимга тушган қийинчиликларни эсладим.

Тақдир тақозоси экан, 12 ёшимда ота-онам вафот этди. Бемор холам қарамоғида қолдим. Бир бурда номини ҳалол топишим, ҳам бетоб холамга кўмаклашим керак эди. 8-синфда ўқиётганимда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехда ун қорувчи бўлиб ишладим. Кейин аста-секин шу цехнинг иш юритиш тартибини ўргандим. Мактабни татомлаб, коллежга ўқишга кирдим, аммо у ерда ҳам тўлақонли таълим олишга имконим бўлмади, ишлашга мажбур эдим. Шу тариқа йиллар ўтди. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил топгани ва ёш тадбиркорларга ёрдам берилаётганини эшитгач, қалбимда бир умид пайдо бўлди. Тошкентга келиб, шахсан Қаҳрамон Қуронбоевнинг қабулига кирдим ва шароитимни

тушунтирдим. Бу дунёда менга қалқон бўлгучи қариндошим йўқлиги, бироқ қўлимда хунарим борлиги, чет элда хор-зор бўлиб ишлаб юрмай, ризқимни шу ерда топишим ва оёққа туришим учун ёрдам беришларини сўрадим. Банкдан кредит ололмаслигим, бир бошпанаси йўқ мендек йигит гаровни топиб беролмаслигини айтдим. Биласизми, шу кунни қайта туғилган куним бўлди. Чунки Ёшлар иттифоқи раҳбари кўксимдан итармади, менга ишонди ва ҳаётимни буткул ўзгаришиб юборадиган қарорларга имзо чекди. Тадбиркорлигимни йўлга қўйишим учун Иттифоқ хисобидан маблағ ажратиладиган бўлди. Мен охириги пулларимни йиғиб, Тошкентга келган эдим. Ҳатто уйимга қайтиб кетишга маблағим йўқ эди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Қаҳрамон Қуронбоев ўз хисобидан йўл харажатимни тўлади. Хайрлашар эканмиз, қўлимни қаттиқ сиқиб, «ёлғизман деманг, энди биз бормиз, ҳали ҳаммаси унут бўлиб кетади», деди. Шундай бўлди ҳам. Ширинликлар ишлаб чиқарувчи «Registon KAMOLJON» цехини очдим. Керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар олдим, 7 нафар ходимга иш бердим. Мана, бугун бир корхонамнинг раҳбариман, қўл остидагиларга маош бераман, давлатга солиқ тўлайман, ишлаб чиқарган маҳсулотим билан эл дастурхонини тўлдиряпман.

Тўғри, тадбиркор сифатида оёққа туришим осон кечаётгани йўқ. Аслида ҳамма тадбиркорлар ҳам бошидан ўтказиши мумкин бўлган шундай жараёнлар бор: дастлаб ҳаммаси яхши бўлади, ишингиз ривожланиб, юқорилаб бораверасиз. Лекин кўп ўтмай, шу қадар пастга қулайсизки, бундай бўлишини тахмин ҳам қилмаган бўласиз. Ўшанда таслим бўлмай, яна олдинга интилишга ўзида ирода топа олган, барчасига қўл силтаб, воз кечиб кетмаган инсонгина ҳақиқий тадбиркор бўлади. Мен ҳам бошида жуда қийналдим, кўп қоқилдим. Маҳсулот ишлаб чиқараман, аммо уни тарқатадиган автоуловим йўқ. Топган даромадимнинг аксар қисmini юқимни жойларга етказиш учун транспорт воситаларини ёллашга сарфлайман. Шу сабаб корхонам учун кредитга автомобиль олиш ниятидаман. Қолаверса, кредит маблағининг йўналиш турларини кенгай-

Таслим бўлмай, яна олдинга интилишга ўзида ирода топа олган, барчасига қўл силтаб, воз кечиб кетмаган инсонгина ҳақиқий тадбиркор бўлади.

тириш, яримтайёр, тезпишар озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш учун йўналтирмакчиман.

Олий таълим муассасасида ўқишни жуда орзу қилдим, бироқ шароит тақозоси билан фақат меҳнат қилишга мажбур эдим. Мана, оёққа турдим, тадбиркор учун олий маълумотли бўлишнинг аҳамияти қатта эканини тушундим. Ишонаманки, бу орзум рўёбига ҳам оз қолди.

Ҳозир Самарқандда ота-онаси оламдан ўтган ёшлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бегараз ёрдам қилини қўзувчи тадбиркорлар клубини очяпман. Клубнинг хайрия фонди ҳисобидан ишсиз ёшларни малакали мутахассисга, уста-хунаромандларга бириктириб, касб-корли қилиш ва ҳаётда ўз йўлини топишида кўмаклашмоқчиман.

Ота-онаси, пули, ҳатто уйи йўқ инсонлар ҳам «менга ҳеч ким ёрдам бермаяпти» ёки «давлат менга қарашини керак», деган фикрни хаёлидан чиқариб ташлаш керак. Инсон ўзи ҳаракат қилмаса, унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзида интилиш бўлган одам эса жамиятимизда безътибор қолмайди. Ёшлар иттифоқини кўмаги бўлмаганда ким билсин, балки мен бугун айрим тенгдошларимга ўшаб хорихда қора ишни бўлиб юрган бўлардим. Шу боис, чин дилдан ушбу ташкилотга ва унинг жонқуяр ходимларига миннатдорлик билдираман.

томонидан ўрганилди ва аҳоли қатновига қўлай, барча коммунал тармоқлар мавжуд ҳудудга қўйрилиши режалаштирилди. Бунинг учун туман марказида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи биноси ажратилдиган бўлди. Давлат комиссиясининг тасвирисига асосан белгиланган ҳудудда комплекс шифохона қурилишининг биринчи босқич ишлари бошлаб юборилган. Шифохона қурилиши учун барча ҳужжатларимиз тайёр. Лекин яқинда, 10-15 кун аввал юқоридан коллеж бинолари ўз жойида қолсин, деган буйруқ келган, деб эшитдик. Коллеж маъмурияти шу маълумотга таяниб, шифохона қўядиган манзил аниқ кўрсатилмаган, дея тўсқинлик қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарориди шифохона қурилиши керак бўлган қўча номи кўрсатилса-да, уй рақами аниқ белгилаб берилмаган. Шу ноаниқлик масалани бир томонга ечишга тўсқинлик қияпти.

Вазирлар Маҳкамасига туман аҳолиси эҳтиёжи учун ягона бўлган шифохона қурилиши бўйича тақлифимизни киритдик. Аммо бу муаммо қандай ҳал этилиши номаълумлигича қолмоқда.

Агар туман марказидаги коллеж биноси ўрнида шифохона комплекси ташкил этилса, тез тиббий ёрдам, поликлиника, туманда мавжуд бўлмаган юқумли касалликлар шифохонаси бир манзилга жойлаштирилиб, аҳоли ва мутахассисларимиз қатнови учун ҳам қўлай бўлар эди.

— Янги шифохона 3 йил ичида ташкил этилиши мўлжалланган дедингиз, унча беморлар аҳоли нима кечад?

— Биз «Саломатлик-3» дастурига кирдик. Аммо тиббий асбоб-ускуналар хануз етказиб берилмаяпти. Юқори ташкилотларга мурожаат қилганимизда аввал янги шифохона қурилиши битсин, дейишди ва бу муаммоларича қолмоқда. Биз ҳозирча қўлимиздан келганча биринчи ёрдамни бериб турибмиз. Лекин оғир аҳволдаги беморлар келиб қолса, уларни шахар тиббиёт марказларига юборишга тўғри келмоқда...

Биз Тошкент тумани шифохонасида қўлимиз билан кўрганимизни ва қийин шароитда ишлаётган шифокорлар фикрларини қозғашга туширдик, ҳолос. Тўғри, муаммо бор, унинг ечимини топиш керак. Ечим қанча топилади? Мутасаддилар беморларга ачинас, ўзларини уларнинг ўрнига қўйиб қўришса, тезроқ ҳаракат қилишди, имконият топишди...

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
Ноила МАРУПОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

Энг узун

Ой тутилиши кузатилади



Жорий йилнинг 27 июлида XXI асрнинг энг узун ой тутилиш ҳодисаси кузатилади. «Sabah» нашрининг ёзишича, ушбу табиат ҳодисаси 1 соат 43 дақиқа давом этиши кутляпти.

Бунга сабаб сифатида Ойнинг Ер шаридан энг узоқ нуқтада бўлиши ҳамда Ер шарининг Ой устида меъёридан ортиқ майдонни эгаллаши кўрсатилляпти.

Бундай ғаройиб табиат ҳодисасини Африка ғарби, Яқин Шарқ, Европа ва Осиёнинг муайян ҳудудларида ва Австралида кузатиш мумкин.

2050 йилда

дунё аҳолиси ўн
миллиардга етади



Ҳар йили тахминан 85 миллион нафарга ошиб бораётган дунё аҳолиси сони 2050 йилда ўн миллиардга, асримиз сўнггида эса 11,2 миллиардга етиши тахмин қилиняпти. Бу ҳақда «Anadolu» ахборот агентлиги хабар бермоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси маълумотларига кўра, дунё аҳолиси 1600 йилда 600 миллионга, 1804 йили 1 миллиардга, 1900 йили 1,5 миллиардга ва 2011 йили 7 миллиардга етган.

Аҳоли сонининг кескин ўсиши 1950 йилдан кейин кузатилган. Айни пайтда дунё аҳолиси сони 7,7 миллиард кишини ташкил қилмоқда.

2050 йилда дунё аҳолисининг ярми Хиндистон, Хитой, Нигерия, Конго, Покистон, Эфиопия, Танзания, АКШ, Уганда ва Индонезияда яшайди.

Тахминларга кўра, 2017-2050 йилларда 51 давлат аҳолиси сони камайар экан, уларнинг аксарияти Европада жойлашган.

Кучли ёмғир ёғиши

оқибатида ҳалок
бўлганлар сони 176
нафарга етди



Япониядаги кучли ёмғирлар келтириб чиқарган қўчи ва тошқинлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 176 нафарга етган, 9 дан кўпроқ киши эса бедарак йўқолган.

«Киодо» ахборот агентлиги маълумотларига кўра, 6 июлда Япониянинг марказий ва жануби-ғарбий қисмига кучли ёмғир ёққан. Ёғингарчилик миқдори ўртача ойлик меъёрдан 2-3 баробар кўпроқни ташкил қилган.

Ёмғирлар оқибатларини бартараф этиш ва кидирув-қутқарув ишларида полиция, ўт ўчириш хизмати ва мудофаа кучларининг 74 мингга яқин ходими иштирок этмоқда. Шунингдек, ушбу ишларга 73 вертолёт жалб этилган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирликда узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийси Виль Савельевич БЕГАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

НОМИГА ИШЛАЁТГАН ШИФОХОНА КИМГА ВА НИМАГА КЕРАК?..


Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизimini яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шовилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар сифатини ошириш, арзон ва сифатли дори-дармон, тиббий буюмлар билан таъминлаш, хусусий тиббий амалиётни ривожлантириш бўйича муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, ушбу соҳани ривожлантиришга, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Президентининг 4 фармони, 24 қарори ва 9 фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 37 қарори ҳамда 32 та фармойиши қабул қилинган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини сақлаб туриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 2018 йилда Давлат бюджетидан 9,6 триллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, 2017 йилга нисбатан бу рақам 1,4 баробарга кўпдир.

Тўғриси, бундай эътибор кўнгилни кўтарди, тиббиётимизнинг келажига ишонч пайдо қилади. Аммо давлат томонидан шунча эътибор бўлаётганига қарамай, жойларда дилини хира қилдирган ҳолатлар учрамоқда.

Тошкент шаҳридан бир қадам нарида жойлашган Тошкент туманида бугунги кунда 206 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунча аҳолиси бор туманда битта «Қизғалдоқ» ҚФЙ шифокорлар қўчаси, 1-уйда жойлашган шифохона мавжуд. Шифохона ўрни аҳоли сонига нисбатан жуда кам, бунинг устига етиб бориш ноқулай ҳудудда жойлашган. Фуқаролар бу ҳақда эътироз билдириб, тахириятга оғзаки мурожаат қилишганди. Ҳақиқий ҳолатни ўрганишга ҳаракат қилдик.

Эътирозларда жон бор экан,



шифохона туманнинг чекка, яъни аҳоли етиб бориши ноқулай бўлган ҳудудда жойлашган. Муассасада шовилинч тиббий ёрдам, жонлантириш, доволаш, неврология, травматология, бовалар бўлимлари мавжуд бўлса-да, уларда беморлар учун нафақат жой масаласи, балки мебель жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуналар етишмас экан. Бунинг устига уч қаватли тиббиёт масканидаги лифт умуман ишламайди. Аҳоли оғирроқ беморлар учун юқори қаватга кўтарилиш осон эмас, албатта.

Шовилинч тиббий ёрдам бўлимини кўздан кечирганимизда беморлар учун энг зарур бўлган кислород етказиб бериш ускунаси йўқлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолатни изохлаш учун жонлантириш бўлими мудири Руфат Насимовга мурожаат қилдик.

— Шифохонамизда шароитимиз йўқ деб, беморларнинг ҳаётини хавф остига қўя олмаймиз, — дейди у. — Қўлдан келганча, бор имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиялганмиз. Тўғри, ҳозир бўлим шифокорлари кислород тармоғини ташқаридан шланг орқали киргизиб, буйруқ билан ўчириб ёқишди. Бу аҳвол хавфсизликка жавоб бермаса-да, шундай ишлашга мажбурмиз. Аслида, қонунқондага мувофиқ, бўлимимизнинг ҳар бир хонасида кислород тармоғи бўлиши лозим. Тен олиш керак,

операция вақтида ишлатиладиган тиббиёт анжомлари ҳам етишмайди (бор-йўғи иккита жамланма). Уни ҳам шифокорларнинг ўзлари уёқ-бўёқдан суриштириб топишган. Очиги, бир вақтингиз ўзида 4-5 нафар операция қилиниши лозим бўлган бемор келиб қолса, анжомларимиз етишмаганлиги сабабли улар кўп қолишга мажбур бўлмоқда.

Сўхбатимизга жонлантириш бўлими катта хамшираси Шоира Одилова қўшилди: — Жонлантириш хонаси 6 беморга мўлжалланган, лекин бу ерда бемор аҳолини кўрсатиб туривчи бор-йўғи битта ускуна бор. У аслида ҳар бир бемор учун битта бўлиши керак. Бундан ташқари, функционал кроватлар етишмаслигидан каталкалардан фойдаланилляпти. ИВЛ (ўпкага сунъий нафас берувчи) ускунаси ҳам бир донга бўлиб, унга муҳтож иккинчи бемор келиб қолса, катта муаммага айланмоқда. Пульсаксиметр, кислород концентратор ускунаси эса умуман мавжуд эмас. Оғир беморлар кунига 10-12 тага тақдир қилинади, аммо уларга қараш учун мутахассисларимиз етишмайди. Бир сўз билан айтганда, бўлимимизда аслида бўлиши лозим бўлган тиббий асбоб-ускуна ҳамда жиҳозларнинг кўпчилиги мавжуд эмас.

Бошқа бўлимларни кўздан кечирганимизда ҳам худди шундай муаммоларга дуч келдик. Шу боисдан

Самар ШОТЎЛЛАЕВ ОЛГАН СУРАТЛАР

ОФИР АТЛЕТИКА

**2 СПОРТЧИДА
6 МЕДАЛЬ**



Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада жаҳоннинг 50 га яқин давлатидан 350 нафардан ортиқ спортчи ва мураббий, мутахассис иштирок этяпти.

Мусобақада эркаклар ўртасида 62 килограмм вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Адхамжон Эргашев даст кўтаришда 135, силтаб кўтаришда эса 160 килограмм оғирликни ўзига бўйсундира олди. Умумий ҳисобда 295 килограмм натижа кўрсатган ўзбекистонлик спортчи яқинда уч олтин медални қўлга киритди. Қайди этиб ўтиш лозимки, Адхамжон ўз вақтида ўсмирлар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони бўлган. Шунингдек, у ўтган йили катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритганди.

Қизлар ўртасида 63 килограмм вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Кумушхон Файзуллаева ҳам бир йўла учта медалга сазовор бўлди. У даст кўтаришда 94 килограмм натижа билан бронза медалини қўлга киритди. Силтаб кўтаришда эса 120 килограмм натижа билан олтин медал билан тақдирланди. Умумий ҳисобда 214 килограмм оғирликни бўйсундириб, иккикураш якунига кўра, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Файзуллаева Ўзбекистон тарихида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони бўлган илк аёлдир.

Баҳслар 14 июлга қадар давом этади.
Шаҳбоз САИДОВ

АБИТУРИЕНТ — 2018

Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни яқунланишига санокли кунлар қолди ва тест синовларини ҳар томонлама пўхта ўтказишга ҳар галгидан қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам бу борадаги ишлар намунали тарзда ташкил этилган.



Саниқар ШОТЎЛДАНОВ оғли тест сўраётган.

**БУ ЙИЛГИ ТЕСТ СИНОВЛАРИ
ИККИ БОСҚИЧДА**

яъни эрталаб соат 8:00 ва 15:00 да бўлиб ўтади

Институтнинг бакалавр босқичига бу йил 1 минг 275, магистратурага 105 нафар йигит-қиз қабул қилинади. Махсус сиртки бўлимда бакалавр босқичига эса 90 ўрин ажратилган.

— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу йилдан бошлаб институтда «Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (кўприklar ва тунеллар)» таълим йўналиши ва магистратурада «Вагонсозлик» мутахассислиги бўйича янги йўналишлар очилди, — дейди институт ректори **Маъруфжон Расулов**. — Абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш бошлаб юборилган. 1 июлдан магистратура босқичи учун ҳам ҳужжатлар қабул қилиш бошланди. Шунингдек, институтнинг махсус сиртки бўлимига ҳам қабул жараёни давом этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2018/2019 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжатлар 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Эндиликда тест синовлари ҳар йили 1 августдан 15 августга қадар, қунига икки сменада ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу кунларда ҳар куни эрталаб соат 8:00 ва 15:00 да тест синовлари бошланади.

— Ўтган йили ушбу институтга ҳужжатларимни топширгандим, аммо ўқишга кираолмагандим, — дейди **Сурхондарё вилояти Денов туманидан абитуриент Зуфарбек Соҳибов**.

— Бу йил институтнинг ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси йўналишига ҳужжатларимни топширдим. Тест синовларига яхши тайёргарлик кўрганман. Худо хоҳласа, талаба бўлишдек бахтга сазовор бўлиб, ота-онамнинг орзусини амалга ошираман.

— Ҳозиргина институтнинг махсус сиртки бўлимига ҳужжат топширдим, — дейди **«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Бухоро минтақавий темир йўл узелининг Самарқанд алоқа ва ишорат масофаси корхонаси участка бошлиғи Зафар Рофиев**. — 2010 йилда Самарқанд темир йўллари касбхунар коллежини битиргандим. Оилавий шароитимиз тўғри келмаганили боис олий таълим муассасаларига ҳужжатларимни топшира олмадим. Оиламга фойдам тегсин, деб, ишга кирдим. Кейин ўзим оила қурдим. Фарзандлар туғилди. Оилани тебратиш учун ишлаш керак эди. Шу зайилда йиллар ўтиб кетди. Олий маълумотли бўлиш орзулигича қолаверди. Президентимизнинг ташаббуси билан махсус сиртки бўлимларнинг қайта очилгани зўр иш бўлди.

Тоштемир **ХУДОЙКУЛОВ**,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЛУҚМА

**«ЭШИТДИНГИЗМИ,
ФАЛОНЧИ...»**

Хохлаймизми, йўқми, кундалик ҳаётимиз давомида жамоат транспортларига кўп ишимиз тушади, узоғимиз яқин бўлади. Бундан мамнунмиз, албатта. Аммо жамоат транспортда кўпчилик асабига тегаётган ҳолатлар ҳам бўляптики, уларга бефарқ қарамаслик керак, деб ўйлайман. Масалан, автобус, микроавтобусда кетаётган йўловчилар, ёшларми, катталарми, мобил телефондан фойдаланиш одобига эътибор бермаётганга ўхшайди.

Эрта тонгда яхши кайфият билан ишга кетаяпсиз, бугунги иш режалари хақида ўйлаб бораёпсиз. Шу пайт хаёлингизни мобил телефонда гаплашаётган йигитнинг овози тўзғитиб юборади... Ёки кеч ишдан чарчаб қайтаётганингизда ҳам шу каби ҳолатни кўриш мумкин. Мобил телефонда қандайдир таниши билан баланд овозда гаплашаётган киши ён-атрофдаги одамларга эътибор ҳам бермайди. Гўё автобусда ундан бошқа ҳеч ким йўқдек. Мобил телефондан фойдаланиш албатта яхши, бироқ ундан фойдаланиш тартиб-қоидалари, одоби бор.

Бир кун эрта тонгда ишга отландим. Соат чамаси 6 эди. Автобусга чиқсам, ўрта ёшлардаги эғнида қимматбаҳо кийим кийган бир аёл ким биландир гаплашарди. Аниқроғи, кўшнисининг қизи эри билан чиқишолмай ажрашиб, ота уйига қайтганини ипидан игнасиғача ҳикоя қилар эди. Гап орасида айтишга ноқулай сўзларни ҳам овозини баланд қилиб гапирётганидан, атрофдагилар хижолат тортиди. Мен манзилимга етиб келиб, жамоат транспортдан тушаётган вақтимда ҳам у гапда давом этаётган эди... Кўпчиликка сир бўлмаса

Шаҳло ҲАКИМОВА

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Ўрташқ қишлоғи, ЭММХ телефон: 230-64-80.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри, Мустанқилик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри, Ернарз Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.	

РЕКААМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры.
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31 м.
► Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моё: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши жамоаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улўғбек Вафоевга волидиди муҳтарамаси **ҲАЛИМА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улўғбек Вафоевга онаси **ҲАЛИМА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Товари сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: **САФАР ОСТОНОВ**

ТАҲРИР ҲАҲАТИ:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738, 6972 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:20.

Topshirilgan vaqti — 01:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbachi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон сарфасига ўттиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6